

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ДАВЛЯТОВА ЗУЛФИЯ МУРАТОВНА

**ИМИДОЗОЛИН ҲОСИЛАЛИ КОРРОЗИЯ ИНГИБИТОРЛАРИ
СИНТЕЗИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2023

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Давлятова Зулфия Муратовна

Имидозолин ҳосилали коррозия ингибиторлари
синтези ва технологияси3

Давлятова Зулфия Муратовна

Синтез и технология ингибиторов
коррозии с производными имидозолинов21

Davlyatova Zulfia Muratovna

Synthesis and technology of inhibitors
corrosion with imidozoline derivatives39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works42

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.T.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ДАВЛЯТОВА ЗУЛФИЯ МУРАТОВНА

ИМИДОЗОЛИН ҲОСИЛАЛИ КОРРОЗИЯ ИНГИБИТОРЛАРИ
СИНТЕЗИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ

02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент -2023

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/Т3426 рақам билан рўйхатдан ўтказилган

Диссертация Фарғона политехника институти ва Тошкент кимё-технология институтларида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) www.tkti.uz манзили бўйича веб-саҳифада ва www.ziyounet.uz манзили бўйича «ZiyoNET ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Кади́ров Хасан Иргашевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Икрамов Абдувахоб
техника фанлари доктори, профессор

Эшметов Иззат Дусмбетович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ислом Каримов номли
Тошкент Давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи бир марталик DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 рақамли Илмий Кенгашининг «23» март 2023 йил соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32-уй. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz). Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 509 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: (100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўч.32. Тел.: (99871) 244-79-20).

Диссертация автореферати 2023 йил « 3 » март куни тарқатилди.
(2023 йил « 3 » мартдаги № 298 рақамли реестр баённомаси).

С.М. Туробжонов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

М.Ю. Юнусов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиблик қилувчи,
т.ф.д., профессор

Г. Рахмонбердиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кун замонавий нефт кимёси саноатининг муҳим муаммоларидан бири конструкцион пўлатлар учун янги коррозия ингибиторларини яратиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишдир. Коррозия жараёнларининг тезлашуви натижасида металл йўқотишлари салмоғи жуда катта бўлиб, қувур ўтказмалари, саноат кимё-технологик ускуналар ва бошқаларда авариялар оқибатида сарф-харажатлар ҳажми ортиб бормоқда. Агрессив муҳитда материалларнинг парчаланишини олдини олиш фаоллигига эга бўлган полифункционал гетероциклик бирикмаларни кўп тоннали олефинлар, гликолар, аминлар асосида олиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда кимё ва нефт-газни қайта ишлаш саноатини жадал ривожлантириш даврида органик ингибиторларнинг асосий синфларини олиш усуллари ва тузилиши, коррозия жараёнларининг табиати ва углеводородларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш жараёнларида конструкцион материалларни химоя қилиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада янги авлод органик коррозия ингибиторларини ишлаб чиқариш йўналишида маълум натижаларга эришилди, жумладан импорт ўрнини босувчи кимёвий маҳсулотлар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамиздаги маҳаллий хом ашё ва иккиламчи моддий ресурслар асосида юқори самарали коррозия ингибиторларини яратиш ва ишлаб чиқариш соҳасида чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «тубдан янги турдаги маҳсулот ва технологиялар ишлаб чиқаришни ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, унинг етакчи тармоқларини, жумладан, кимё саноатини модернизация қилиш ва диверсификация қилиш орқали миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, маҳаллий хом ашё ва иккиламчи маҳсулотлар асосида ресурс тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш, импорт ўрнини босувчи самарали коррозия ингибиторлари таркибини яратиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида» «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479-сон «Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477-сон «2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «Яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида» фармони

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши- нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Углеводородларда эрийдиган юқори самарали ингибиторлар олиш уларнинг қўлланилиш соҳаларини аниқлаш бўйича П.К. Гогой, М.В. Ханченко, С. Раджендран, Р.М. Джоани, Р.А. Рахимкулов, R.-J. van Putten, Ричард Х. Триббл, Н.М. Дятлова, А.П. Ковальчук, Ф.Ф. Чеусов, В.Я. Темкин, Н.В. Циркульникова, Г.Ф. Ярошенко, Р.П. Ластовский, З. Виршпа, Я. Бженизинский, П.А. Дирай, С.А. Болезин, Л.И. Антропов, Н.В. Цирульникова, Б.Н. Дрикер, Ю.Н. Калимуллин, А.С. Михалев, В.К. Пинигин, Е.М. Уринович, Ф. Курбанов, А. Аловитдинов, А.Т. Джалилов, Д. Юсупов, В.П. Гуро, А. Икрамов, С.М. Турабджанов, Х.И. Акбаров, А.Ж. Холиков, Х.Э. Қодиров ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари олиб боришган.

Улар томонидан ёғ кислоталари ва алкиламинларнинг конденсатланиш жараёнлари тадқиқ қилинган, металларнинг коррозиясини ингибирловчи бирикмалар олиниб, уларнинг эксплуатацион хусусиятлари аниқланган ва универсал ингибиторлар сифатида фойдаланиш таклиф этилган.

Шу билан бирга ёғ-мой саноатининг ёғ кислоталари мавжуд иккиламчи маҳсулотлари ҳамда госсипол смоласининг этилендиамин, диэтилентриамин, полиэтиленполиамин асосида имдозилин ҳосилалари олиш, улар асосида турли композициялар тайёрлаш, уларнинг физик-кимёвий ва технологик хоссаларини системали тадқиқ қилиш, юқори самарали углеводородларда эрийдиган синтергетик самарадор коррозия ингибиторлар ишлаб чиқаришнинг камбосқичли, энергиятежамкор технологияларини ишлаб чиқиш илмий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ОТ-ФЗ-143 «d ва f электрон конфигурацияга эга металларни органик полидентат лигандлар билан тузилиши ва кимёвий боғланиш табиати, улар асосида янги белгиланган хусусиятга эга кимёвий бирикмаларни шакллантириш қонуниятларини ўрганиш» (2005-2009 йй.) ва ПЗ-20170930351 «Сув таъминоти учун коррозия, минерал тузларга қарши ва биоцидлик хусусиятли комплекс ингибиторлар синтези ва технологияси» (2017-2019 йй.) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий хом ашё ва саноатнинг иккиламчи маҳсулотлари асосида углеводородларда эрийдиган самарали коррозия ингибиторлари ишлаб чиқиш технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ёғ кислоталари ва этиленаминларнинг эритувчи муҳитида кислотали катализаторлар иштирокида конденсатланиш жараёнларини ўрганиш;

ёғ кислоталари аралашмаси асосида коррозия ингибиторлари олишнинг мақбул шароитларини аниқлаш;

ёғ кислоталари аралашмаси асосида коррозия ингибиторлари синтез қилиш учун янги эритувчилар олиш;

металларни коррозиядан ҳимояловчи ингибиторлар синтези жараёнларини тадқиқ қилиш;

коррозиядан ҳимоялашнинг гравометрик ва потенциометрик усулларини таққослаш;

маҳаллий хомашё ва саноатнинг иккиламчи маҳсулотлари асосида углеводородларда эрийдиган самарали коррозия ингибиторлари ишлаб чиқиш технологиясини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида кимё ва нефт қазиб чиқариш ва қайта ишлаш саноати, ёғ ва кимёвий саноати иккиламчи маҳсулотлари, углеводородларда эрийдиган коррозия ингибиторлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети маҳаллий хом ашёлар ва саноатнинг иккиламчи маҳсулотлар асосида коррозия ингибиторлари синтез қилиш, композициялар тайёрлаш, коррозияга қарши ингибиторлик ва ҳимоя хусусиятларини тадқиқ қилиш, углеводородларда эрийдиган коррозия ингибиторлар олиш технологияси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида ИҚ-, ПМР-, хром-масс-спектроскопик, электрон-микроскопик усуллар, элемент анализи, булардан ташқари физик-механик, технологик ва эксплуатацион хусусиятларини аниқлашда стандартлаштирилган синов услубларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

таркибида 13 турдаги ёғ кислоталари мавжуд ёғ-мой саноатининг иккиламчи маҳсулоти соапсток ва полиэтиленполиаминнинг паст ҳароратларда ароматик углеводородлар аралашмаси эритувчилигида кислотали катализатор иштирокида конденсатланиш билан имидозолин ҳосилалари ҳосил бўлиши исботланган;

«Uz-Kor Gas Chemical» ҚК МЧЖ иккиламчи маҳсулотлари нормал тузилишли C_{12} - C_{20} углеводородлар фракцияси - фойдаланилган иккиламчи суёқ гексан ва ТАР маҳсулот аралашмасини вакуумли ҳайдаш маҳсулоти ароматик углеводородлар бензол, толуол ва ксилоллардан иборат эритувчилар таркиби гетероцикллаш жараёнларининг самарали эритувчиси эканлиги асосланган;

соапсток ва полиэтиленполиаминнинг конденсатланишидан олинган «ИИК-Д1» сериядаги коррозия ингибиторлари СП1-УПН Шимолий Уртабулоқ нефт қудуғи шароитида қурилмаларни 90 % дан кам бўлмаган самара билан ҳимоялаши исботланган;

ёғ-мой саноатининг иккиламчи маҳсулоти соапсток ва полиэтиленполиамин асосида углеводородларда эрийдиган самарали коррозия ингибиторлари ишлаб чиқиш технологиясини яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ёғ кислоталари ва этиленаминларнинг эритувчи муҳитида кислотали катализаторлар иштирокида конденсатланиш жараёнининг мақбул шароитлари аниқланган;

потенциометрик титрлашни қўллаш билан реакцион аралашма таркибидаги асослар сонини аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

маҳаллий хомашё ва саноатнинг иккиламчи маҳсулотларидан имидазолин ҳосилалари асосли коррозия ингибиторларини ишлаб чиқаришнинг чиқиндисиз, экологик тоза, ресурстежамкор технология ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлилда замонавий физик-кимёвий тадқиқот услублари ва имидазолин фрагментли моддалар синтези, улар асосида композициялар тайёрлаш, коррозия ингибиторлар ишлаб чиқариш технологияларини саноатга жорий қилиниши билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эритувчи ароматик углеводородлар аралашмаси иштирокида, кислотали катализаторларда ёғ кислоталари аралашмаси ва полиэтиленполиамин нисбатан паст ҳароратларда конденсатланиши орқали нефт саноати қурилмаларини коррозиядан ҳимоялаш ингибитори олиш илмий асосларини яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий хомашё ва саноатнинг иккиламчи маҳсулотлари асосида импорт ўрнини босадиган, имидазолин фрагментли коррозия ингибиторларнинг янги самарали таркибларини ва олиш технологиясини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Углеводородларда эрийдиган самарали коррозия ингибиторлари олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«ИИК-Д1» сериядаги коррозия ингибиторлари ишлаб чиқариш технологияси «Электрокимёзавад» ҚК-АЖнинг «2022-2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Электрокимёзавад» ҚК-АЖнинг 2022 йил 23 февралдаги 01/3-568/А-сон маълумотномаси). Натижада, кислотали катализатор иштирокида тан нархи 1,5 - 1,8 мартга арзон бўлган коррозия ингибиторлари олишнинг энергия тежамкор технологиясини ишлаб чиқиш имконини берган;

ёғ-мой саноати иккиламчи маҳсулотлари асосида кислотали катализаторлар таъсирида «ИИК-Д1» сериядаги коррозия ингибиторлари ишлаб чиқариш технологияси «Электрокимёзавад» ҚК-АЖнинг «2022-2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Электрокимёзавад» ҚК-АЖнинг 2022 йил 23 февралдаги 01/3-568/А-сон маълумотномаси). Натижада нефт қазиб чиқариш ва қайта ишлаш қурилмаларини ҳимоялаш даражаси 93 % бўлган имидазолин асосли углеводородларда эрийдаган коррозия ингибитори ишлаб чиқариш имконини берган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган, ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.

Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик

диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш қисми, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 115 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблилиги, тадқиқотнинг мақсадлари ва вазифалари, объектлари ва предметлари шакллантирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги асослаб берилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ҳаққонийлиги, назарий ва амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги ва синовдан ўтганлиги, эълон қилинганлиги ҳақидаги маълумотлар, диссертация тузилмаси ва ҳажми келтирилган.

Диссертациянинг **«Саноат ингибиторлари ишлаб чиқаришнинг замонавий ҳолати»** деб номланган биринчи бобида коррозиядан ҳимоялаш ва кимёвий реагентлар ҳамда иккиламчи хом ашё ресурслари асосида коррозия ингибиторларини олишга доир мавжуд усулларнинг ҳозирги ҳолати ҳамда эксплуатация шартларининг жорий ҳолати ва турли коррозия ингибиторларини қўллаш соҳаси шарҳлари тақдим этилган.


«Изланиш объектлари, олинган моддаларнинг физик-кимёвий хоссалари, олиниш ва тадқиқ қилиш усуллари» деб номланган иккинчи бобда маҳаллий хом ашё ва иккиламчи моддий ресурслар асосида янги ингибиторлар таркибларни ишлаб чиқишга, шунингдек уларни турли агрессив муҳитларда ҳимоя самарадорлигини аниқлаш йўли билан кўп мақсадли вазифаларга мўлжалланган коррозия ингибиторлари сифатида ўрганишга доир тадқиқотлар тақдим этилган. Жумладан, Имидозолин асосида коррозия ингибиторлари олиш реакцияларни ўрганиш учун диэтилендиамин, полиэтиленполиамин, олеин кислота, ёғ кислоталари аралашмаси, госсипол смоласи, эритувчилар соф бензол, ароматик углеводородлар аралашмаси (бензол, толуол ва ксилоллар)нинг айрим физик-кимёвий хоссалари келтирилган.

Ёғ кислоталари ва аминлар асосида, шу жумладан этилендиамин ва олеин кислотадан, ПЭПА ва госсипол смоласидан ҳамда этилендиамин ва ёғ кислоталари аралашмаси (соапсток)дан коррозия ингибиторлари олишнинг кислотали катализ усули баёни келтирилган.

Имидозолин ҳосилалари синтезида фойдаланиш имкониятини берувчи эритувчи таркиб, ароматик углеводородлар - бензол, толуол ва ксилоллар олишнинг янги манбалари тавсия этилган.

Олинган препаратларнинг коррозияни ингибиторлаш даражасини аниқлашнинг потенциометр ва гравиметрик усуллари таққосланган.

«Имидозолин ҳосилали коррозия ингибиторлари» деб номланган бобда имидозолин ҳосилали коррозия ингибиторлар синтез қилишнинг мақбул шароитлари аниқланган. Имидозолин ҳосилалари синтези ёғ кислоталари ва этилендиаминнинг турли нисбатларида амалга оширилади.




Имидазолин синтези чизиқли амидлар ҳосил бўлиш босқич орқали амалга ошиши исботланган. Реакция шароитидан келиб чиқиб, биринчи босқичда имидазолин халқасини ҳосил бўлишини таъминловчи ёғ кислоталарининг моноамид ва диамидлар ҳосил бўлади.

Юқорида айтиб ўтилганидек имидозолин ҳосилалари синтези кўп босқичли ва кўплаб оралик маҳсулотларнинг ҳосил бўлиши билан амалга ошади. Жараён кетма-кетлигини қуйидаги кимёвий реакция схемалари орқали кўрсатиш мумкин:


1-босқич. Ёғ кислоталарининг этилендиамин билан карбон кислота аммонийли тузлари ҳосил бўлиши:



2-босқич. Карбон кислота аммонийли тузларидан сувнинг ажралиши ва амидлар ҳосил бўлиши:




3-босқич. Карбон кислота амидларининг циклизацияси ва имидозолин ҳосилалари ҳосил бўлиши:



Ёғ кислоталари аралашмаси ва этилендиамин асосида имидазолин ҳосилалари синтез қилишнинг мақбул шароитларини аниқлаш мақсадида, ҳароратнинг таъсири 180 - 250 °С чегарасида ўрганилди, тадқиқотлар икки босқичларда кузатилди. Дастлабки реагентлар қолба – реакторга юклангандан сўнг ҳарорат 160 °С, реакциянинг 3 соат давомийлигида реакция сувнинг Дина-Старк насадкаларида йиғилиши билан амалга оширилиши диссертация ишининг 2-бобида келтирилган эди.

Сўнгра реакция 190 °С ҳароратда 8 соат давом этирилади. Синтезнинг бу босқичида ҳосил бўлган аддукт жигар рангли суюқлик бўлиб, 50 % гача кислота чизиқли амидларидан иборат бўлган оқ чўкмаси бўлади. Сувни ажратиш шунингдек 230 °С ҳарорат амалга оширилганда жигар рангдаги гомоген суюқлик ҳосил бўлади ва бунда чўкма қолмайди.



1-расм. Имидозолин ҳосил бўлиш унумининг ҳароратга боғлиқлиги: а) икки босқичли термик ишлов беришнинг биринчи босқичидан сўнг; б) икки босқичли термик ишлов беришнинг иккинчи босқичидан сўнг; в) кислотали катализатор иштирокида

Кейинги босқичда ажралувчи реакцион сувнинг миқдори аниқланиб, ҳисобланган миқдорлари билан таққослаб чиқилди (ҳисобланган миқдор имидозолиннинг тўлиқ конверсиясига нисбатан олинган).

1-жадвал

Имидозолин синтезида ажралувчи сув миқдори

Реакция шароити	Ажралган реакцион сув	Ажралиши ҳисобланган сув
икки босқичли термик ишлов беришнинг биринчи босқичидан сўнг	4.3	7.2
икки босқичли термик ишлов беришнинг иккинчи босқичидан сўнг	5.3	7.2
кислотали катализатор иштирокида	6.5	7.2

Реакцион ажралувчи ва ҳисобланган сув миқдорининг қиёсий нисбатлари (2-жадвал) дастлабки реагентларнинг мақсаддаги имидозолин бўйича юқори конверсия билан амалга ошишини тасдиқлайди.

2-жадвал

**Имидозолин синтезида ажралувчи сув миқдори
Ҳисобланган ажралувчи сув миқдори 7,2 КОН/г**

Реакция шароити	Кислота сони, КОН/г
икки босқичли термик ишлов беришнинг биринчи босқичидан сўнг	4.3
икки босқичли термик ишлов беришнинг иккинчи босқичидан сўнг	4.5
кислотали катализатор иштирокида	8.1


Термик ишлаб бериш 190 °С ҳароратда олиб борилганда нисбатлар катта бўлсада, 230 °С ҳароратда эса конверсиянинг кескин ортиши билан имидазолин ҳосил бўлиш унуми ортишига олиб келади.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, кислота сони 190 ва 230 °С да 4 – 5 мг КОН/г ни, катализатор иштирокида олинган маҳсулот учун эса КС = 8,1 КОН/г га тенг ва буни катализ жараёнининг кислотали хусусияти билан боғлиқ деб ҳисобладик.


Реакция маҳсулотлари таркибини аниқлашнинг таҳлилларидан яна бири ИҚ-спектроскопиядан фойдаланишдир. 2 - 4-расмларда пахта мойи таркибига кирувчи ёғ кислоталари аралашмаси ва этилендиамин таъсирлашувидан олинган маҳсулотларнинг ИҚ-спектрлари келтирилган.

ИҚ-спектрлар «Agilent Technology FTIR-640» қурилмасида қуйидаги шароитларда олинган: қайд қилиш диапазони 4000-400 см⁻¹, стаканлари сони – 12.


Синтезнинг аниқланаётган барча шароитларида ҳам чизикли амидаларга тегишли бўлган 1605 см⁻¹ С = N-боғга ҳос ютилиш чизиклари, 1650 ва 1550 см⁻¹ С = О-боғга ҳос ютилиш чизиклари кузатилди.



2-расм. 190 °С ҳароратда олинган намунанинг ИҚ-спектри




3-расм. 230 °С ҳароратда олинган намунанинг ИҚ-спектри



4-расм. Кислотали катализ орқали олинган намунанинг ИҚ-спектри

190 °С ҳароратда олинган намунанинг ИҚ-спектрида (2-расм), C=N-боғ учун хос ютилиш чизиқлари 230 °С ҳароратда ҳамда катализатор иштирокида олинган намуналарнинг ИҚ-спектридан (3- ва 4-расмлар) ҳам кузатилади. Имидазолин ҳалқаси учун хос C=N-боғ интенсив ютилиши кислотали катализ орқали олинган намунада кўпроқ. Бунда, C = N- ва C = O-боғлар учун ютилиш интенсивлиги ўзаро боғлиқлигини, бир боғнинг интенсивлиги ортиши билан иккинчисиники камайишини кўрамиз. Турли шароитлардаги тадқиқ қилинаётган намуналарнинг ИҚ-спектрлардаги C = N- боғ интенсивликларини таққослаш натижасида имидазолин ҳосилаларининг мавжудлигини исботлаш мумкин.


Шунингдек, ёғ кислоталари араламаси асосида олинган имидазолин ҳосилаларининг структураси ¹H ЯМР-спектроскопия усули ёрдамида ҳам ўрганилди (5-расм).



5-расм. Кислотали катализ орқали олинган намунанинг ¹H ЯМР-спектри


5-расмдаги ^1H ЯМР - спектрида карбокси гуруҳи билан бириккан N-H - гуруҳи протонининг кимёвий силжиши 1,45-1,92 м.у. соҳаларда синглет сигналлари кўринишида кузатилди. Имидозолин ҳалқасига хос протонларининг дублет сигналлари 7,09 - 7,22 м.у. соҳаларда кузатилди. Имидозолин метиленига тегишли протон сигналлари 4.42 - 4.47 м.у. соҳасида жойлашган. Карбокси гуруҳига тегишли метилен гуруҳи протонининг сигналлари 2,2 - 2,4 соҳаларда, карбон кислотага тегишли метилен протонларининг кимёвий силжиши эса триплет ҳолатида 5,34 м.у. соҳаларда кузатилди. Таҳлилда аниқланмаган кўплаб сигналлар кузатилиб, эритувчи аралашма таркибидаги моддаларга тегишли деб белгиланди.

Имидазолин ҳосилалари миқдорини аниқлаш учун потенциометрик титрлаш усулидан фойдаланилди. Бунинг учун ҳар бир модда потенциометрик титрлаш интеграл ва дифференциал эгрлари ясалиб, титрлаш эгрларида рН тебранишларининг ҳолати аниқланди (6 – 8-расмлар).




6-расм. 190 °Cда синтез қилинган реакция аралашмани титрлаш эгрлари

190 °Cда синтез қилинган маҳсулот учун учламчи аминлар учун хлорид кислота сарфи 3.2 мл, иккиламчи ва учламчи учун хлорид кислота сарфи 10.2 мл, барча аминлар учун хлорид кислота сарфи 20 мл бўлганда рН тебранишлари аниқланди.



7-расм. 230 °Cда синтез қилинган реакция аралашмани титрлаш эгрлари



8-расм. Кислотали катализ шароитида синтез қилинган реакция аралашмани титрлаш эгрилари

Ҳисоблашлар олиб борилгандан сўнг намуналардаги имидазолин ҳосилаларининг миқдори 190 °Сда олинганда 17 - 22 % ни ташкил этиши аниқланди. Айни ҳисоблашлар бошқа намуналар учун ҳам олиб борилди ва аралашмалардаги имидазолин ҳосилалари миқдори 230 °Сда ҳамда кислотали катализаторлар шароитидаги мос равишда 50 - 55 % ва 70 - 75 % эканлиги аниқланди.

Потенциометрик титрлаш усулида олинган натижалар ИҚ-спектр усулида олинган натижаларни тасдиқлайди: 230 °С ва кислотали катализаторлар иштирокида олинган намуналарнинг ИҚ-спектрдаги ютилиш чизилари интенсивлигининг ошиши, потенциометрик титрлаш орқали имидазолин ҳосилалари миқдорини ортиши билан мос келади.

Потенциометрик титрлаш усули орқали шунингдек олинган намуналар таркибидаги моддаларнинг тузилиши ҳақида хулосалар бериш мумкин. Олинган намуналардаги бирламчи аминлар миқдорининг кўп бўлиши, барча аралашмалар турли нисбатлардаги моноамид ва имидазолин ҳосилалари эканлигини исботлайди.

Шундай қилиб, имидазолин ҳосилалари синтез қилишнинг ҳароратга боғлиқлиги ва каталитик усули таққосланди. Аниқландики, пахта мой таркибига кирувчи ёғ кислоталари ва этилендиамин нисбатлари 1:1 бўлган шароитларда, синтез моноамидлар ва имидазолин ҳосилалари ҳосил бўлиши билан амалга ошади. Моноамидлар ва имидазолин ҳосилалари нисбати кўпроқ ҳароратга боғлиқ бўлади: имидазолин ҳосилалари нисбатан юқори ҳароратларда 230 °С ёки эритувчи қайнаш ҳароратлари шароитида 130 - 140 °С амалга оширилувчи кислота катализаторлигида юқори унум билан ҳосил бўлиши исботланган.

Имидазолин ҳосилалари асосидаги ингибиторлар шартли номлари: каталитик усулда олинган «ИИК-D1»; 190 °Сда синтез қилинган реакция аралашма «ИИК-D2» ва 230 °Сда синтез қилинган реакция аралашма «ИИК-D3»).

Имидозолин ҳосилалари асосидаги ингибиторларнинг коррозиядан ҳимоялаш даражасини аниқлаш. Имидозолин ҳосилалари асосидаги ингибиторлар (шартли номлари 190 °Cда синтез қилинган реакцион аралашма ИИК-D1)нинг коррозиядан ҳимоялаш даражасини аниқлаш Ст.20 маркали пўлат намуналарда гравометрик ва потенциометрик усулларда амалга оширилди. Ингибитор дозаси 20 - 40 мг/л чегараларида белгиланди. Таҷрибалар 24 соат давомида хона ҳароратида, газ конденсати-тузли сунъий эритма ҳамда нефт-тузли сунъий эритма икки фазали системаларда олиб борилди.

3-жадвал

Имидозолин ҳосилалари асосидаги ингибиторнинг Ст.20 маркали пўлатни коррозиядан ҳимоялаш даражасини аниқлаш натижалари*

Таҷрибалар муҳити	Массанинг йўқолиши, г	Коррозия тезлиги г/м ² ·соат	Ҳимоялаш даражаси, %
«ИИК- D1»			
Назорат	0,0255	0,0331	
H ₂ S тузли эритма + 70 мл газоконденсат	0,0004	0,00519	84,3
Назорат	0,0012	0,01557	-
H ₂ S тузли эритма + 70 мл нефт	0,0013	0,01428	91,6
Назорат	0,0107	0,1388889	-
H ₂ S + тузли эритма	0,00115	0,0149273	89
«ИИК-D2»			
Назорат	1,54235	0,4053	-
1:2 = сув : H ₂ S ли тузли эритма	0,3953	0,1020	74,8
Назорат	0,2985	7,8483	-
H ₂ S тузли эритма + 70 мл нефт	0,11565	2,738	65,1
Назорат	0,61865	7,5736	-
H ₂ S + тузли эритма	0,095	2,5067	66,9
«ИИК-D3»			
Назорат	0,00306	0,3952	-
1:2 = сув : H ₂ S ли тузли эритма	0,0053	0,00365	90,7
Назорат	0,0051	0,196	-
H ₂ S тузли эритма + 70 мл нефт	0,00215	0,02791	85,8
Назорат	0,001	0,01298	-
H ₂ S + тузли эритма	0,00015	0,00128	90,1

*Имидозолин ҳосилалари асосидаги ингибиторнинг ҳимоялаш даражаси «Geo Research and Development Company» МЧЖ мутахассислари томонидан амалга оширилган

Таҳлил қилинаётган муҳитлар 10 дақиқа давомида водород сульфитди билан бойитилди. Минераллашган тузли эритма таркиби KCl (163 г/л) + CaCl₂·2H₂O (34 г/л) MgSO₄ (0,14 г/л) дан иборат. Имидозолин ҳосилалари асосидаги ингибиторларнинг Ст.20 маркали пўлатни коррозиядан ҳимоялаш даражасини аниқлаш натижалари 3-жадвалга киритилган.

4-жадвал

Имидозолин ҳосилалари «ИИК-D1» асосидаги ингибиторнинг мустаҳкамлиги D маркали пўлатни углекислотали муҳитда (PCO₂=1,0 МПа), хона ҳароратида коррозиядан ҳимоялаш даражаси

Ингибитор концентрацияси, мг/л	Тажриба давомийлиги, соат	Коррозия тезлиги, г/м ² ·соат	Ҳимоялаш даражаси, %
Ингибиторсиз	20	3,7	-
20	20	0,137	96,29
Ингибиторсиз	40	3,8	-
20	40	0,172	96,46
Ингибиторсиз	60	3,5	-
20	60	0,138	96,0
Ингибиторсиз	80	3,4	-
20	80	0,135	95,94
И-1-А Эталон	80	0,3	41,17
40	80	0,2	94,12

5-жадвал

Имидозолин ҳосилалари асосидаги ингибиторнинг хлорид кислота муҳитида пўлатни коррозиядан ҳимоялаш даражасининг ҳароратга боғлиқлиги, ингибитор дозаси 20 мг/л

Хлорид кислота эритмаси	Коррозия тезлиги, г/м ² ·соат	Ҳимоялаш даражаси, %
t=30 °C; τ = 24 соат		
Ингибиторсиз	5,2	-
«ИИК-D1» ингибитори	1,3	75,0
t=40 °C; τ = 24 соат		
Ингибиторсиз	48	-
«ИИК-D1» ингибитори	0,6	99,0
t=60 °C; τ = 4 соат		
Ингибиторсиз	13	-
«ИИК-D1» ингибитори	2,0	98,0
t=80 °C; τ = 4 соат		
Ингибиторсиз	610	-
«ИИК-D1» ингибитори	2,0	99,6
t=100 °C; τ = 1 соат		
Ингибиторсиз	1020	-
«ИИК-D1» ингибитори	4,3	99,5

«ИИК-D1» серияли коррозия ингибиторлари ишлаб чиқариш технологияси» деб номланган тўртинчи бобда тадқиқотлар объекти сифатида танланган Шимолий Уртабулоқ тасарруфидаги нефт қудуқларидаги коррозия жароёнларни ўрганиш ва қурилмаларни ҳимоялаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ўрганилаётган даврда СП1-УПН Шимолий Уртабулоқ нефт қудуғининг мониторинг бўйича коррозия тезлиги ўртача кўрсаткичлари йилига 0,0111 мм, руҳсат этилган меъёрлардан (ДСК йилига 0,1 мм) кўп эканлиги аниқланган. Назорат пунктидан олинган коррозия гувоҳ-пластина намунасида коррозия юза бўйича тенг қопланган. Лоқал коррозия таъсирларидан коррозия доғларни кузатиш мумкин.

Шимолий Уртабулоқ СП1-УПН, СП2-УПН ва СП3-УПН нефт қудуғлари марказий тизимларини коррозиядан ҳимоялаш учун даврий (бир ойда камида 7 сутка) равишда коррозия ингибитори юклаш (бир тонна нефтга 20 - 25 грамм миқдорида) тавсия этилади.

6-жадвал

Шимолий Уртабулоқ кони СП1-УПН объекти нефт қудуқлари қурилмаларини коррозия мониторинги натижалари (намуна платиналари 2021 йилнинг 25 апрелида жойлаштирилиб, 30 июнида олинган)

Мониторинг объекти номи	Намуна	Қун	Намуна жойлангунга қадар массаси, г	Намуна ечилгандан кейинги массаси, г	Масса йўқотилиши, г	Пластина юзаси, м ²	Коррозия ўртача тезлиги Мм/ст
СП1-УПН	№1	66	40.4340	40.4151	0.0189	0.003136	0.0045
СП2-УПН	№2	66	41.9184	40.98	0.9384	0.003129	0.3110
СП3-УПН	№3	66	40.0177	39.9794	0.0383	0.002530	0.0131


«ИИК-D1» сериядаги коррозия ингибиторлари, нефт газ саноати қурилмаларини водород сульфидли коррозиядан ҳимоялаш учун қўлланилади. «ИИК-D1» препарати, сульфат ва хлорид кислотани темир йўл цистерналарида ташиш, сақлаш учун ҳамда саноатнинг бошқа тармоқларида фойдаланилиши мумкин.

«ИИК-D1» сериядаги коррозия ингибитори ишлаб чиқариш технологик жароёни қуйидаги босқичларни қамраб олади (8-расм).

Яқорли аралаштиргич ва ташқи истиш ҳамда совитиш мосламаси билан жиҳозланган қурилма - реакторга ҳисобланган миқдорларда эритувчи ва ёғ кислоталари аралашмаси (ёки госсипол смоласи) юборилади. Интенсив аралаштириб турилган шароитда ёғ кислоталари аралашмаси ва эритувчи бир турли масса бўлгунга қадар аралаштирилади. Зарурат бўлган ҳолда реакторнинг иситиш мосламасига иссиқ сув юбориш орқали 40 °С ҳарорат кўтарилиши мумкин, бунда ёғ кислоталари аралашмаси тезроқ эрийди. Сўнгра реакторга кислотали катализатор юкланиб, ҳароратни 60 °С гача кўтарилади ва аралаштириш давом эттирилади. Бунда ёғ кислоталари тўлиқ эриши кузатилади. Сўнгра айна ҳароратда реакторга этилендиамин (диэтилентриамин ёки полиэтиленполиамин) юкланади ва ҳарорат аста секин 130 - 140 °С кўтарилиб

сув ажратилиши таъминланади. Реактордан чиқувчи ёғ кислоталари таркибидаги намлик, реакция натижасида ҳосил бўлувчи сув ҳамда сув-эритувчи азеотроп аралашма, реакторнинг юқори қисмига ўрнатилган совитгичда совутилиб, фаза ажратгич ёрдамида ажратлиб, сув қисми тозалашга, органик қисми - эритувчи (ароматик углеводородлар), этилендиамин мунтазам реакторга қайтарилиб турилади.

Бу жараён 6 - 8 соат давом эттирилиб, реакция тугаганлиги азот миқдори бўйича таҳлиллар орқали назорат қилинади. Тайёр маҳсулот таркибида органик ва ноорганик қўшимчалар, реакциянинг қаттиқ қўшимча маҳсулотлари қолишини олидини олиш учун, филтрдан («Бельтинг» матоли филтр) ўтказилади. Филтрат тайёр маҳсулот учун режалаштирилган сиғимларга жойланиб, тайёр маҳсулот омборига юборилади.



8-расм. «ИИК-Д1» сериядаги коррозия ингибитори ишлаб чиқариш технологияси

E_1 , E_2 - полиэтиленполиамин (диэтилентриамин ёки этилендиамин) учун сиғимлар; B_1 , B_2 , B_3 , B_4 - госсипол смоласи (эркин ёғ кислотаси ёки ёғ кислоталари) учун бункерлар; R^1 - аралаштиргич ва ташқи иситиш ёки совитиш мосламаси билан жиҳозланган реактор; H_1 - насос; F_1 и F_2 - филтрлар; E_3 и E_4 - тайёр маҳсулот учун сиғим

Ушбу тавсия этилаётган технология бўйича Тошкент кимё-технология институти ва «Geo Research and Development Company» ОАЖ билан ҳамкорликда тажриба синовлари «Электрокимёзаводи» ҚК-АЖда олиб борилиб, 500 кг миқдорида коррозия ингибитори ишлаб чиқарилган («Электрокимёзаводи» ҚК-АЖ маълумотномаси).

ХУЛОСАЛАР

1. Ёғ-мой саноатининг иккиламчи маҳсулоти соапсток ва полиэтилен-полиаминнинг паст ҳароратларда ароматик углеводородлар аралашмаси эритувчилигида кислотали катализатор иштирокида конденсатланиш билан имидазолин ҳосилалари синтез қилинган.

2. «Uz-Kor Gas Chemical» ҚК МЧЖ иккиламчи маҳсулотлари фойдаланилган иккиламчи суюқ гександа эритилган ТАР маҳсулот асосида вакуумли ҳайдаш билан ароматик углеводородлар бензол, толуол ва ксилоллардан иборат эритувчилар ишлаб чиқариш технологияси тавсия этилиб, гетероцикллаш жараёнларининг самарали эритувчиси сифатида қўлланилган.

3. Соапсток ва полиэтиленполиаминнинг конденсатланишидан олинган имидазолин ҳосилали коррозия ингибитори «ИИК- D1» СП1-УПН Шимолий Ўртабулоқ нефт қудуғи шароитида қурилмаларни ҳимоялаш даражаси 90 % кам эмаслиги аниқланган.

4. «ИИК-D1» сериядаги коррозия ингибиторлари ишлаб чиқариш технологиялари ишлаб чиқилган. Меъёрий-техник ҳужжатлар - техник кўрсатмалар, технологик регламентлар ва спецификациялар тайёрланган, тасдиқланган ва истеъмолчи билан келишилган.

5. «ИИК-D1» сериядаги коррозия ингибиторларининг 500 кг тажриба партияси Навоий шаҳридаги «Электрокимёзавод» АЖ-ҚҚда ишлаб чиқарилиб, шимолий Ўртабулоқ нефт қудуқда реал шароитларда синовдан ўтказилди. Ингибитор ўзининг физик-кимёвий, органолептик ва операцион хусусиятларига кўра хорижда сотиб олинган СНПХ сериядаги ингибиторларидан кам эмаслиги аниқланган. Тавсия этилган технология бўйича олинган ингибиторнинг нархи мавжудларидан 1,5-1,8 баробар арзон ва бунда корхонанинг иқтисодий самараси 2 млрд. сўм.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ХИМИЧЕСКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ
ФЕРГАНСКИЙ ПОЛИТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

ДАВЛЯТОВА ЗУЛЬФИЯ МУРАТОВНА

**СИНТЕЗ И ТЕХНОЛОГИЯ ИНГИБИТОРОВ КОРРОЗИИ
ПРОИЗВОДНЫХ ИМИДОЗОЛИНА**

02.00.14 - Технология органических веществ и материалов на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована под номером B2022.4.PhD/T3426 Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистана.

Диссертация выполнена в Ферганском политехническом и Ташкентском химико-технологическом институтах.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета www.tkti.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научные руководитель:

Кадиров Хасан Иргашевич
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Икрамов Абдувахоб
доктор технических наук, профессор

Эшметов Иззат Дусмбетович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

Ташкентский государственный технический университет им. Ислама Каримова

Защита диссертации состоится «23» марта 2023 года в 11⁰⁰ часов на заседании разового Научного совета под номером DSc.03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте (Адрес: 100011, г.Ташкент, Шайхонтохурский район, улица А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz). Административный корпус Ташкентского химико-технологического института, 2 этаж, конференц-зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института (зарегистрирован под номером №509). Адрес: (100011, г. Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20).

Автореферат диссертации разослан « 3 » марта 2023 года.
(протокол рассылки №298 от « 3 » марта 2023 года).

С.М. Туробжанов
Председатель Научного совета
по присуждению учёной степени,
д.т.н., профессор

М.Ю. Юнусов
Учёный секретарь Научного совета
по присуждению учёной степени,
д.т.н., профессор

Г. Рахмонбердиев
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению учёной
степени, д.х.н., профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день одной из важных задач современной нефтехимической промышленности является создание новых ингибиторов коррозии конструкционных сталей и повышение эффективности их использования. В результате ускорения коррозионных процессов потери металла очень велики, а объем затрат вследствие аварий на трубопроводах, промышленном химико-технологическом оборудовании и т.д. возрастает. Получение полифункциональных гетероциклических соединений на основе многотонных олефинов, гликолей, аминов, обладающих активностью по предотвращению разложения материалов в агрессивной среде считается актуальным.

В период бурного развития химической и нефтегазоперерабатывающей промышленности в мире ведутся научные исследования методов получения и состава основных классов органических ингибиторов, характера коррозионных процессов, защиты конструкционных материалов при добыче и переработке углеводородов. В связи с этим достигнуты определенные результаты в направлении производства органических ингибиторов коррозии нового поколения, а также уделяется отдельное внимание обеспечению импортозамещающей химической продукцией.

В нашей республике реализуются мероприятия в области создания и производства высокоэффективных ингибиторов коррозии на основе местного сырья и вторичных материальных ресурсов, и достигаются определенных результатов. В стратегии развития нового Узбекистана поставлены важные задачи по «повышению конкурентоспособности национальной экономики за счет углубления структурных преобразований с учетом освоения производства принципиально новых видов продукции и технологий, модернизации и диверсификации ее ведущих отраслей, в том числе химической промышленности»¹. Реализация этих задач, в том числе разработка ресурсосберегающих технологий на базе местного сырья и вторичных продуктов, создание эффективных ингибиторов коррозии, замещающих импорт, имеет важное значение.

Данное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 28.01.2022 года УП-60 «О новой стратегии развития Республики Узбекистан на 2022-2026 годы», «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП- 3479 от 17.01.2018 года «О мерах по устойчивому обеспечению сырьём и продукцией высоко потребляемых отраслями экономики страны», ПП- 4477 от 04.10.2019 года «Об утверждении стратегии перехода к «Зеленой» экономике Республики Узбекистан в период 2019-2030 гг.», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития республиканской науки и техники. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Научным исследованием по получению высокоэффективных углеводородорастворимых ингибиторов и выявлению областей их применения занимались П.К. Гогой, М.В. Ханченко, С. Раджендран, Р.М. Джоани, Р.А. Рахимкулов, R.-J. van Putten, Ричард Х. Триббл, Н.М. Дятлова, А.П. Ковальчук, Ф.Ф. Чеусов, В.Я. Темкин, Н.В. Цикульникова, Г.Ф. Ярошенко, Р.П. Ластовский, З. Виршпа, Я. Бженизинский, П.А. Дирай, С.А. Болезин, Л.И. Антропов, Н.В. Цирульникова, Б.Н. Дрикер, Ю.Н. Калимуллин, А.С. Михалев, В.К. Пинигин, Е.М. Уринович, Ф. Курбанов, А. Аловитдинов, А.Т. Джалилов, Д. Юсупов, В.П. Гуро, А. Икрамов, С.М. Турабджанов, Х.И. Акбаров, А.Ж. Холиков, Х.Е. Кадыров и другие.

Ими были изучены процессы конденсации жирных кислот и алкиламинов, получены соединения, тормозящие коррозию металлов, определены их эксплуатационные свойства и предложено их использование в качестве универсальных ингибиторов.

При этом получение производных имдозилина на основе вторичных продуктов масложировой промышленности, содержащих жирные кислоты и смолы госсипола этилендиамина, диэтилентриамина, полиэтиленполиамина, приготовление на их основе различных композиций, систематические исследования их физико-химических и технологических свойств, разработка молоступенчатых, энергосберегающих технологий производства синергетических эффективных ингибиторов коррозии, растворимых в высокоэффективных углеводородах имеет научное значение.

